

## Шариатимизда аёл киши кўчага иложи борича чиқмаслиги

18:43 / 26.04.2016 3727

САВОЛ: Менинг тикувчилик ҳунарим бор. Бир хонадонда ҳам тикувчи, ҳам шогирд бўлиб хизмат қиламан. Ишимиз гоҳида кўп, баъзида кам, гоҳида 1-2 кун бўш бўлиб қоламиз. Мен бир ишни режалаштириб юрибман, яъни мато олиб уни тикиб бозорга топшириш. Кейинчалик тикувчи ёллаб иш фаолиятимни кенгайтириш ниятим бор.

Лекин бу ишни бошласам куним бозорда, кўчада ўтади. Шариатимизда аёл киши кўчага иложи борича чиқмаслиги, чиқса ҳам бирор ҳожат учун чиқиши тайинланганидан хабарим бор. Агар бу иш ривожланса қанчадан-қанча қиз ва аёллар иш тикиб ўтирадилар. Ўзимизга ҳам ёрдам бўларди, ортса хайру эҳсон қилардик, қарз бўлиб юрмасдик.

Ёки ишга бориб-келиб юриб Аллоҳ берганига рози бўлиб ўтириш керакми? Ишга бормаган кунимда уй ишлари билан шуғулланиш маъқулми? Менга қандай маслаҳат берасиз.

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Муҳими, ҳамма фаолиятингиз шариатга мувофиқ бўлиши керак. Ўйлаётган ишингизни ҳам шариат қоидаларига мувофиқ олиб боришингиз мумкин. Муҳими, дунёга берилиб ҳаромга қўл урмаслик ва гуноҳга яқин бўлмаслик. Валлоҳу аълам.